




ОНА ТИЛИМ - МИЛЛАТ ҒУРУРИ



Сурхондарё вилояти Денов тумани
80-умумий ўрта таълим мәетабининг
бошлангич синф ўқитувчиси
Исмоилова Раъно

Аннотация: Тил миллат гурури, ифтихори, фахри. Ватан кўзгуси. Р.Исмоилова ушбу мақоласи хам бошлангич синф

ўқувчиларининг она тилимизга бўлган меҳр-мухаббатнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Калит сўзлар: Она тили, Давлат тили, ўзбек тили, тил Миллат ғурури.

Тарихнинг долғали замонларига дош бериб келган тилимизга Истиқлол йилларида давлат мақоми берилган. Фаҳр билан айтиш мумкинки, ўзбек тилида жаранглагувчи юртимиз мадхияси ҳозирда жаҳоннинг энг баланд минбарларидан янграмоқда. Минг йиллик орзулар рўебга чиқди.

Ўзбек тили – Олтой тиллари оиласининг туркий туркумiga кирувчи тилдир. Ушбу тил Ўзбекистон Республикаси Конститутциясига мувофиқ давлат тили ҳисобланади. Давлат тили ҳақидаги Қонун 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган. 1995 йил 21 декабрда такомиллаштирилди.

XIX – асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги давргача ишлатиб келаётган тил ҳозирги ўзбек адабиёти тили деб аталади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан “21 февраль Халқаро она тили куни” сифатида белгиланган. Мазкур сана 2001 йилдан буён Халқаро миқёсида кенг нишонланиб келинмоқда. Халқаро она тили кунинг мазмун – моҳиятида ҳар бир халқнинг миллий тафаккури, маънавияти, руҳиятининг ўзагини ташкил этадиган тилга алоҳида муҳаббатнинг белгиси ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда умум таълим мактаблари учун 7 тилда дарсликлар чоп этувчи ягона мамлакатdir. Шу билан бирга ўтган йиллар давомида ўзбек тилининг мавқеи тикланди. Ҳамда унинг тараққиёти йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир расмий тан олинган 6 та халқаро тил бор: Инглиз, испан, араб, рус, хитой, француз, тилларидир.

Ўз она тилини доимо авайлаб асраш шу қаторида қардош тилларини ҳам кунт билан ўрганиб хурмат қила билиш, тилнинг соғлигини сақлашни, тил ифода воситаларидан бири эканлиги билиб олинади. Фарзандларимиз комиллиги аввало, муомала маданиятида намоён бўлади. Тадбир давомида ўқувчилар айтган шеър ва ибратли сўзларда ўз аксини топади.



Ҳар ким чучук сўз элга изҳор айлагай,
Ҳар нечаки агёрдур, ул ерни обод айлагай.

(Алишер Навоий)

Биз узоқ вақт миллийлигимиздан, урф –одат ва қадриятларимиздан бебаҳра қолдик. Яхшиямки, халқимиз баҳтига озодлик юз очди. Айниқса, ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши ушбу борадаги энг катта воқеалардан бири бўлди.

Она тилим, муқаддас тилим,
Онам аллалари қулоқларимда.
Сенда сўзлаб яйрайди дилим,
Жарангдошсан ардоқларимда !

“21 февраль – Халқаро она тили куни” ни нишонлаш ҳам ўрта умум таълим мактабларининг бошланғич синфларида анъанавий тус олса ўқувчиларда тилга нисбатан бўлган эътиборни, ҳурматни, миллий ғурур қаби туйғуларнинг таркиб топишига ва жаҳон тилларини ўрганишга нисбатан бўлган қизиқишининг ортишига пойдевор бўлиб хизмат қиласи. Бизнинг ўзбек тилимизда “осмон”, “одам” сўзлари араб тилидан, “солдат”, “галстук” сўзлари немис тилидан кириб келгани ҳолати ҳам тилларнинг бойишига сабаб бўлса, бугунги кунда ўзбек тилининг ҳам жаҳон тилларига қўшилиб равнақ топаётганлиги ҳолатини биз ўзбек курашининг жаҳон аренасига чиқиб машҳур ва манзур бўлганлиги сабаб, “кураш”, “чала”, “ёнбош”, “ҳалол” сўзлари ҳам жаҳон тиллари орасида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб бораётганлиги ҳақида ўқувчиларга тадбир давомида тушунча бериш ҳам ўзбек тилининг равнақидан уларда тилга нисбатан бўлган эътиборни кучайтиради. Она тилим – миллат ғурури деб фахрланишга асос бўлиши табиий эканлигини унутмаслигимиз лозим.

“Она тилим – жону дилим”, “Тил - миллий бойлигимиз”, каби мавзуларда сухбатлар ўтказиш. Тарбиявий соатларда шоирларнинг тил ҳақида ёзилган шеърларидан ўқиб бериш. Масалан, шоир Мухтор Худойқуловнинг “Она тилим” шеърини ўқиб бераман:

Она тилим,
Жону дилим.
Сенинг билан
Бийрон тилим.

Она тилим,
Бобо тилим.
Сени севар,
Юрту элим.

Она тилим,
Кону илм,
Сенла олай
Чуқур билим.

Она тилим,
Момо тилим,
Сен борсан – ки-
Ёруғ йўлим !

Мақоллардан унумли фойдаланиш ҳам тилга бўлган эътиборни ривожлантиради. “Тилингни тўғри тутолмасанг, дилингни тўғри тут”.

Тил миллат бойлиги. Тил бор экан миллат яшайди. Ўзбек тилига нисбатан бўлган дунё халқларининг муҳаббати қун сайин ортиб бормоқда. Яқин келажақда ўзбек тилининг ҳам жаҳон тиллари орасидан ўрин олишига иймоним комил. Ёш авлод тарбияси миллат тарбияси эканлигини унутмаслик лозим. Фикримни жаҳон халқларининг ўзбек тилини ўрганишга нисбатан бўлган бугунги кундаги муносабати тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиетлар:

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тарракиетининг пойдевори (" Таълим тугрисида"ги конун, Кадрлар тайерлаш миллий дастури),- Т.:Ўзбекистон,1997.
2. М. Худойберганова, С. Фузайлов, М. Мухторова, З- сингла она тили дарслари, укитувчи китоби.-Т.:Укитувчи, 2008.